

ИНСОН АЗИЗ – ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

*Наманаган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи маънавият бўлими
мудири*

Ш.Ахмаджанова

Бугун биз шундай тинч ва осуда кунларда яшашимиз учун ўтмишда қўплаб аждодларимиз ўзларини азиз жонларидан кечишиди. Бунга тарих гувоҳ. Манашундай инсонлардан бири Наманган вилояти Тўда қишлоғида туғилиб ўсган Солижон Адашевдир. Солижон Адашев 1923 йил 2 март куни Наманган вилояти Норин тумани Тўда қишлоғида дехқонлар оиласида дунёга келган. Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, 2- Белорусия фронти 49- армия 42- ўқчи дивизияси 459- ўқчи полк бўлими қўмондони. Совет Иттифоқи қаҳрамони, катта сержант.

1941 йил Андижондаги педагогика техникумини тамомлайди. Бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1942 йилдан Совет Армияси таркибида бўлиб, фронтга хизматга кетган. 1944 йил 23 июн куни душман ҳужуми вақтида сержант Солижон Адашев қўмондонлиги остида 459- ўқчи полк бўлими 20 нафар гитлерчиларни ўлдиришади. Черневка қишлоғининг Бася туманини босиб олиб, куршов остида жанг олиб боради ва ёрдамга келган бўлимлар билан бирлашиб олади.

Солижон Адашевга берилган Давлат Мукофоти варақасида:

“Ўртоқ Адашев ўз бўлими билан 23.6.44 йил биринчи бўлиб душманга қарши курашган ва 10 тагача немисни ўлдиришган. ... 24.6.44 йил ўртоқ Адашев юқоридан улоқтирилган граната ва автомат орқали узилган ўт орқали 6 нафар немисни ўлдириб, бир нафарини асир олган. Чернявкадаги урушда ўртоқ Адашев биринчи бўлиб, қишлоққа кириб олади ва станок пулеметини вайрон қилган. Ротадагилар орасида биринчи бўлиб Бася дарёсини қамал қилган.

24.6.44 йил 14 соат давомида қамал остида бўла туриб, ўз феъл-атвори билан жангчиларни танк ва мотопехота ёрдамида қурашга руҳлантирган. Шахсан ўзи битта қўл пулемети ва снайперини йўқ қилган” деб ёзилган. Мазкур кўрсатган жасоратлари учун катта сержант Адашев Соли 1945 йил 24 март куни собиқ СССР Олий Кенгаши Президумининг Қарорига кўра Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва Ленин ордени ҳамда “Олтин Юлдуз” медали билан тақдирланган.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фондида сақланаётган Солижон Адашевнинг жанговар йўл дафтарчасида қўйидагича хотиралари ёзилган:

... Қонли уруш бошланган пайтда Солижон Адашев эндингина ўрта мактабни тугаллаб, бошланғич синифларда ўқитувчилик қила бошлаган эди. Орадан бир йил ўтиб ёши ўнсаккизга етди ва ниҳоят уни ҳам армия сафига чақиришди. Ўшанда эндингина июль ойи охирлаганига қарамасдан улар тушган поезд этиб келган Беларусияда изғирин шамол эса бошлаганди. Уч ойга яқин Могилев шаҳрида ҳарбий тайёргарликни ўташди. Кеча-кундузги машқлар сал бўлса-да, ҳарбий кўникумга ҳосил қилишга ёрдамлашди. Солижондаги туғма эпчиллик ва зийраклик, ўзи туғилиб ўсган Норин туманининг Тўда қишлоғидаги бирон-бир қурашдан четда қолмасдан иштирок этиб келганлиги туфайли пайларини бўртиб чиқиб турганлиги, Норин ва Қорадарё сувларида сузишнинг хадисини олганлиги командирлар эътиборидан четда қолмади. Икки ойга яқин жангларда иштирок қилганидан кейин уни қисқа муддатли сержантлик курсига юбориши. Қайтиб келгач разведкачилар ротасига тайинлашди. Орада неча-неча хатарли топшириқлар бажарилди. Душман ортига уюштирилган кўпдан-кўп “сафар”лар, катта жасорат, топқирлик ва маҳорат ҳамда қаҳрамонлик туфайли тутиб келтирилган ўнлаб “тил” гитлерчиларга қарши ўтказитлган операцияларнинг муваффакиятини таъминлади. 1944 йил ёз ўрталари. Иккинчи Беларуссия фронтига қарашли 49-армиянинг полковник Шлиц қўмондонлик қилаётган дивизиясига Днепрнинг Проня ва Бася ирмоқларидан кечиб ўтиб, душман

мудофаасини ёриш ва ўттиз метр кенгликтаги йўлни миналардан тозалаш, шу тариқа жангчиларимиз ҳамда танкларимизга йўл очиб бериш юзасидан топшириқлар берилди. Уни бажариш Солижон Адашев хизмат қилаётвган катта лейтенант Зарудин ротаси зиммасига юкланди. Атрофга қоронғулик парда ташлаганидан сўнг рота командири жангчиларини сафга тизди ва улар орасидан ўн беш кишинеи ажратди. Катта сержант С. Адашев уларга бошлиқ этиб тайинланди. Ўзи эса бошқа гурӯхни бошлаб дарёning қуи томонига қараб йўл олди. Солижон минг машаққатлар бюилан ўз йигитларини бошлаб лойқа ҳамда тез оқар тўлқинларни сузиб ўтди. Улар қайиги дарёning ўртасига этиб келганида душман пайқаб қолиб снаряд тегиб яксон бўлган, жангчилар эса ўқ тегмасидан салгина олдин Солижон буюриғига кўра ўзларини сувга ташлаб қутилиб қолишган эди. Қирғоққа этиб келишга муваффақ бўлган ўнбир жангчи айтилган майдонни миналардан тозалашга киришди. Бу гапни айтиш осон эди холос. Бир томондан душман ўқи бош устида ёмғирдай ёғиб турган, бунинг устига салгина эҳтиётсизлик қилсангиз немислар яшириб кетган “совға” дан кўкка учишингиз тайин турган шароитда ғоят эҳтиёткорлик билим ва тажриб талаб қилинарди. Нихоят, душман мудофаа чизиғига бир неча метргина қолганида ишни тугаллашиб орқага топшириқ уddeланганлиги ҳақида ҳабар етказишиди. Шу тариқа Проня қирғоғига ўтиш Днепрдан армиямизнинг кечиб ўтишидаги биринчи муваффакиятли босқич бўлди. Шу кун тонг сахарда жангчиларимиз қаттиқ ҳужум билан танкларга йўл очиб бердилар. Душман аннча орқага улоқтириб ташланди.

Қаҳрамонимиз урушдан сўнг ҳам Наманган вилоятида яшаб вилоят худудида меҳнат фаолияти билан шуғилланади.

1984 йил 2 ноябрь куни вафот этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. “Мардлик Мангулик” Ўзбекистон нашриёти 1970 йил**
- 2. Наманган вилоят тарихи ва музейида сақланаётган Соли Адашевнинг жанговор йўл давтарчаси**